

10-26-2020

LINGUOCULTURE AND LINGUOCULTUREME

Malokhat Muhammadovna Juraeva

Dean of the Faculty of Foreign Languages of Bukhara State University, PhD.

Muborak Khafizovna Khamidova

Lecturer at the Department of German and French languages at Bukhara State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Juraeva, Malokhat Muhammadovna and Khamidova, Muborak Khafizovna (2020) "LINGUOCULTURE AND LINGUOCULTUREME," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4 , Article 6.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/4/6

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss4/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 81'366.581

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМА
 ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ И ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМА
 LINGUOCULTURE AND LINGUOCULTUREME

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна*БухДУ хорижий тиллар факультети декани, ф.ф.д.***Хамидова Муборак Хафизовна***БухДУ немис ва француз тиллари ўқитучиси***Juraeva Malokhat Muhammadovna***Dean of the Faculty of Foreign Languages of Bukhara State University, PhD.***Khamidova Muborak Khafizovna***Lecturer at the Department of German and French languages at Bukhara State University*

Таянч сўзлар: лингвомаданият, лингвокультурема, термин, тил, маданият, анъана, қадрият, тараққиёт, маданий доминант.

Ключевые слово: лингвокультурология, лингвокультурема, термин, язык, культура, традиция, прогресс, культурный доминант.

Key words: linguoculture, linguocultureme, term, language, culture, tradition, value, progress, cultural dominant.

Мазкур мақолада тил нафақат маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки, тафаккур маҳсули, бутун бир олам, коинотнинг таркиби эканлиги, қолаверса, тил маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги сифатида хизмат қилиши тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, “лингвокультурология” ва “лингвокультурема” атамалари ҳақида сўз боради.

В данной статье интерпретируется язык не только, как средство для выражения мысли, а также как продукт мышления и составная часть целого мира и вселенной, как важная часть культуры. Также, идет речь о таких терминах как “лингвокультурология” и “лингвокультурема”.

In the given article, language is interpreted not only as a means for expressing thoughts, but also as a product of thinking and an integral part of the whole world and the universe, as an important part of culture. Also, such terms as 'linguoculturology' and 'linguocultureme' are also widely discussed.

Кириш. Маълумки, тил доимий ижтимоий ҳодиса сифатида ҳаракатда бўлиб, фаоллашиб боради. Тил нафақат маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки, тафаккур маҳсули, бутун бир олам, коинотнинг таркиби сифатида, қолаверса, маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги, мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттириш учун хизмат қилади. Жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар тилда ўз аксини, ифодасини топади.

Дунё бўйлаб илм-фан ва теника жадаллик билан ривожланаётган глобаллашув жараёнида мамлакатимизда ҳам бугунги кунда кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётган барча соҳалар қатори тилшунослик, адабиётшунослик ва таржимашуносликда жамият маънавиятининг пойдевори саналган тил ва адабиётни раванқ топтириш, унинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлаш йўлида қатор янги илмий тадқиқотлар яратилмоқда.

Қолаверса, юртимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ ва туризм алоқаларига бўлган эътиборнинг кучайиши, республикамизнинг халқаро нуфузи ошишида, хориждаги мамлакатлар билан ўзаро муносабатларнинг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса албатта, тилда ҳам ўз ифодасини топади. Чет тилларга бўлган қизиқишнинг ортиши, ўз она тилимиз билан чет тилларнинг илмий қиёсий тадқиқ этилиши, ўзбек тили мавқеининг янада ортишига сабаб бўлади. Айтиш жоизки, тил ва маданият муносабати, унинг ижтимоий ҳаётда акс этиши, хорижий тилларни ўрганиш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади.

TILSHUNOSLIK

Тилнинг луғат таркибида шундай қатламлар борки, улар қардош тиллар, шеваларнинг ички тараққиёт қонунлари асосида бирдай ривожланади. Бу хил қатламни ташкил этувчи сўзларнинг авлоддан авлодга мерос тарзда ўтиши маълумдир.

Ҳар бир халқнинг ўз табиати, турмуш шароити, урф-одатлари, маданияти ва санъатида ўзига хослик мавжуд. Уларнинг орзу-ниятлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, лекин ўз миллийлик хусусиятига ҳам эгадир. Ҳар бир инсон ана шу миллийликни акс эттирувчи муайян маданият, тил, тарих, адабиёт, санъатга алоқадор бўлади.

Тил – бу халқ маданиятини тушунишда рамзий бошқарувчи, лексика эса у ҳис-туйғуларга бой ифодадир.

Биламизки, инсоният тараққиёти тарихида вужудга келган турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалалари ҳам маданиятшунослик фани доирасида қолаверса, инсоният ҳаётининг турли томонлари билан боғлиқ маданий тушунчаларни яхлит ҳолда, бир тизим сифатида ўрганади.

Маданиятшунослик нуқтаи назаридан эса, халқ оғзаки ижоди жанрларининг бадиий-эстетик аҳамияти ва маҳаллий халқ турмушидаги роли, ижтимоий вазифаси маънавий мерос сифатида аҳамият касб этади.

Маълумотларда келтирилишича, “Лингвомаданиятшунослик” атамаси В.Н.Телия бошчилигидаги тилшунослик мактабида олиб борилган ишлар натижасида вужудга келган.

Лингвомаданият – замонавий тилшуносликнинг йўналишларидан бири бўлиб, тилшунослик ва маданиятшуносликнинг туташган қисмини ўрганидиган соҳа ҳисобланади. Тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиладиган инсонни шакллантирувчи қуролдир. Маданиятнинг бир томонлама тилга таъсири ёки тилнинг маданиятга таъсири ғоялари тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси, уларнинг онтологик бирлик эканлигини тасдиқлашга ёрдам беради. Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси моҳиятини англаб етиш учун «маданият» тушунчасини аниқлаштириб олиш лозим бўлар экан [1,38–39].

“Лингвомаданият тилшунослик илмига хос бўлган қатор янги соҳалардан бири бўлмиш коммуникатив тилшунослик ва матн лингвистикаси, матнни ўрганишдаги антропоцентрик ёндашув, когнитивтилшунослик, прагмалингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, лингвоўлкашунослик, этнолингвистика соҳаларига оид масалаларни таҳлил қилиш йўналишидаги тадқиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Лингвокультурология тилни маданий феномен сифатида тадқиқ этади. Бу эса оламни миллий тил ойнаси ортидан кўриш демакдир. Ушбу жараёнда тил алоҳида миллий ички дунёси ифодаси сифатида кўзга ташланади” [4, 3–12].

Лингвокультурология кўпроқ афсона, ривоят, маросим, расм-русм, одатлар, маданий рамзларни ва бошқаларни ўрганади. Бу тушунчалар маданиятга тегишли бўлиб, улар турмуши, расм-русумлар кўринишларида ҳамда тилда мустаҳкамланади.

Лингвокультурология тил ва маданият алоқадорлигини ўрганувчи фан сифатида тушунтирилади. Унинг асосий мақсади – халқнинг ички олами ва маданиятини тил орқали кашф этишдир.

Лингвокультурология “тилдаги маданият омили ва инсондаги тил омилини ўрганишга қаратилган” (В.Н. Телия) фандир.

Лингвокультурология соҳасига XIX асрда В. Фон Гумбольдт ўзининг “Тилнинг тузилиши ва инсоният маънавий ривожига таъсири” китоби билан тамал тошини қўйган бўлиб, тил ва миллат хусусиятларининг муносабатлари ҳақида кайд этган. Айниқса, унинг “турли тиллар, ўз хусусиятлари, фикрлаш ва ҳис-туйғуга таъсирига кўра амалда турлича дунёқарашни ифодалайди”, “тилнинг ўзига хос хусусиятлари миллатнинг ўзлигига таъсир қилади, шунинг учун тилни чуқур ўрганиш тарих ва фалсафа инсоннинг ички дунёси билан боғлаб тушунтирадиган барча нарсани қамраб олиши керак” каби фикрлари кенг тарқалган. Шундай қилиб, олим тилнинг турли шаклларида турлича ҳиссиёт ва тафаккур услубларини кўради. Демак, тилда маданий ўзига хослик акс этиб туради, деган хулосага келади” [4,13].

Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланган лингвокультурология тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳадир. Лингвокультурология фаннинг махсус соҳаси сифатида замонавий тилшуносликка бир канча тушунчаларни олиб кирди: лингвокультурема, маданий тил, маданий матн, маданий контекст, субмаданият, лингвомаданий парадигма, маданиятнинг прецедент номлари, маданиятнинг очувчи тушунчалари, маданий универсалия, маданий компетенция, маданий мерос, маданий анъаналар, маданий жараён, маданий коидалар, менталитет, менталлик, расм-русум, одам, маросим, маданий макон, маданий тип, тамаддун (цивилизация) каби [4, 47-90].

В.В. Воробьев лингвокультурологик таҳлилнинг асосий бирлиги –лингвокультуре-ма тушунчасини олиб киради ва унга “лисоний ва нолисоний(тушунча ва предмет) мазмуннинг диалектик бирлиги” деб таърифлайди[2, 44-45].

Лингвокультурема термини фанга В.В. Воробьев томонидан киритилган. Лингвокультурема сатҳлараро комплекс бирлик бўлиб, ўз мазмунида лисоний ва нолисоний (тушунчавий ёки предметлик) маънонинг диалектик бирлигини ифодалайди. В.В. Воробьев лингвокультуремани тил белгилари шакллари, уларнинг мазмуни ҳамда маданий маъноси йиғиндиси сифатида тушунтиради[3,4].

Лингвокультурема ҳам нутқий вазият, объектив воқелик билан боғлиқ равишда ўз моҳиятининг турли қирраларини намоён қилиши мумкин.

“Эквивалентсиз сўз” ва “лакуна” тушунчалари ҳар иккала фан учун ҳам аҳамиятлидир. Агар бирор тилдаги сўзга иккинчи тилда муқобил сўз топилмаса, у сўз эквивалентсиз сўз ҳисобланади ва иккинчи тилда лакуна борлиги ҳақида гапирилади. Эквивалентсиз сўзлар одатда ўша тил соҳиби бўлган миллатнинг (этносинг) маданиятига тааллуқли нарсани ифодалайди. Бундай тил бирликлари одатда лингвокультурологиянинг бирликлари бўлиб, улар “лингвокультуремалар” деб аталади.

Маълумотлар асосида лингвокультурологияни халқ маданиятнинг тилда ёрқин ифодасини ўзида намоён этувчи ноэквивалент лексика ва лақунлар, тилнинг стилистик жамланмаси, тил бирликларининг мифлашган кўринишлари: архитип ва мифлар (астир ва ривоятлар) тилда ўз аксини топган расм русумлар, тилнинг паремнологик фонди, тил эталонлари, имо-ишоралар ва рамзлар, тилдаги ўхшатиш ва метафоралар ҳамда ўзбек нутқ одатлари ва нутқий этикет шакллари ташкил этишини айтиш мумкин.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида миллий қадрият тушунчаси жуда кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Миллий сўзи барчамизга маълум ҳар бир халқнинг ўзига тегишли анъана, урф-одатлар, яшаш тарзи, дунёқараши каби тушунчалар мажмуини англатади. “Қадрият (арабча. – қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бошлиғи) – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлландиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва бошқалар қадрият ҳисобланади.

Мавжуд тадқиқотларда лингвокультуремалар сирасига маданиятнинг у ёки бу томонини акс эттирувчи сўзлар, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, пармеологик бирликлар, нутқий клишелар, мураккаб синтактик бутунлик ва матн киритилади [7, 9–15].

“Лингвокультуремалар ўзида муайян нарса-ҳодиса ҳақидаги соф лисоний тушунча билан бирга доимий ҳаракатдаги нолисоний омилларни, реалия, пармеологик бирлик ва лақуналар каби миллий-маданий хусусиятларни акс эттирувчи тил бирликларини мужассамлаштиради. лингвокультурема муайян халққа хос, лисоний ва нолисоний омилларни қамраб олувчи, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлигини ифода этувчи, тил воситаларининг барчаси билан намоён бўла оладиган бирликдир” [6, 10-11].

Турли тиллараро қиёсланиш ҳар бир тилнинг ўзига хос қирраларини очиб беради, назарий асосларини тадқиқ этишга имкон яратади. Қолаверса, бир тилнинг иккинчи тил билан қиёсланиши, тилларнинг грамматик, семантик, структур хусусиятлари, ички ва

TILSHUNOSLIK

ташқи дунёсининг ўзига хос жиҳатларини, умумийлик ва хусусийлик, муштараклик ҳамда дифференциал хусусиятларини очиб беришда замин яратади. Бунда эса ўз ўрнида бир қанча лисоний воситалар – концептнинг қатор маданий доминантлари, фрейм, гештальт, слот, прототип, мотив ва лингвокультуремалар таҳлили хулоса қилиш баробарида бир-бирини тўлдиради.

Тилнинг фикрлашга нисбатан фаол муносабатда бўлиши ҳақидаги ғояни олға суришга ҳаракат қилганларнинг биринчи қаторида Э.Сэпир ва Б.Л.Уорф туради. Бу тилшуносларнинг тил ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашлари шунчалик кенг тарқалганки, у маълум маънода борлиқни барпо этишга қодир деган хулосани беради: “Инсон зоти фақат объектив дунё ва жамоа фаолияти оламидагина яшамайди. Инсон муайян даражада жамиятнинг мулоқот ва ўзини ўзи билдириш воситаси сифатидаги, муайян бир тилнинг ҳукмронлиги остида бўлади” [5, 53].

Хулоса қилиб айтганда, маданият жуда мураккаб, серқирра, доимо ривожланиб борадиган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади.

Тил маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги сифатида мулоқот жараёнида миллий маданиятни акс эттиради. Шу сабабдан ҳам тилшуносликда ҳамини тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги масаласига, миллатнинг ўзига хос урф-одати, анъанаси, маданиятнинг бир бўлаги бўлган нутқни нормага солиш ҳамда қонун-қоидаларга риоя қилиниши муаммоларига эътибор қаратиб келинган.

Лингвокультурология – бу тилшунослик, маданиятшунослик, тилда миллий маданият акс этиши ва мустаҳкам ўрнашиб олишини тадқиқ этувчи соҳалар тўқнашган ўринда пайдо бўлган тилшунослик тармоғи ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Jo'raeva M.M.** Frantsuz va o'zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. Avtoref. filol. fan. dok. diss. - T., 2017. - B.35-39.
2. **Vorobev V.V.** Lingvokulturologiya. Teoriya i metodi. - M., 1997. - B. 44-45.
3. **Vorobev V.V.** Lingvokulturologiya. - M., 2008. - 336 b.
4. **Saidova M., Qo'zиеv U.** Lingvokulturologiya. - Namangan, 2017. - 127 b.
5. **Tarasov B.F.** Yazik kak sredstvo translyatsii kulturi.- M., 2000. - 53 s.
6. **To'xtaxodjaeva N.A.** Badiiy tarjimada lingvokulturemalarning ifodalanishi (ingliz va o'zbek tillari misolida). F.f.f.d. (Phd) diss. Avtoref. - T., 2017.
7. **Yusupov O'.** Tilshunoslikda yangi yo'nalishlar va ularda ishlatiladigan ayrim istilohlar. Filologiya masalalari. - T., 2011. - №2. - B. 9-15.

УДК: 02 (038)

**МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИЯ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ
РОЛЬ МАХМУДА КАШГАРИ В РАЗВИТИИ ЛЕКСИКОГРАФИИ**

THE ROLE OF MAHMUD KASHGARI IN THE DEVELOPMENT OF LEXICOGRAPHY

Жабборов Хўжамурод Жабборович

ҚарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари доктори

Jabborov Khojamurod Jabborovich

Associate Professor of Uzbek Linguistics, KarSU, Doctor of Philology

Таянч сўзлар: Маҳмуд Кошғарий, туркий тил, қадимги туркий сўз, луғат, ном-шунослик, лексикология, лексикография.

Ключевые слова: Махмуд Кашгари, тюркский язык, древнетюркское слово, словарь, ономастика, лексикология, лексикография.

Key words: Mahmud Kashgari, Turkic language, ancient Turkic word, dictionary, onomastics, lexicology, lexicography.

Мақолада Маҳмуд Кошғарийнинг лексикография тараққиётидаги ўрни, унинг лексикология ва номшунослик борасидаги хизматлари баҳоланган, “Девону луғотит турк” асаридagi сўзлар мавзу гуруҳлари бўйича таснифланган, ҳозирги ўзбек тилининг асардаги сўзларга муносабати фактик материаллар асосида очиб